

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЕР РЕСУРСЛАРИ, ГЕОДЕЗИЯ, КАРТОГРАФИЯ ВА ДАВЛАТ
КАДАСТРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

596 Тупроқ бонитировкаси ишларини ўтказиш ва ҳуж-
жатларини тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомни
тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил
7 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2521*

Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 82-модда), «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 9-сон, 165-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 октябрдаги 483-сонли «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 42-сон, 446-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Тупроқ бонитировкаси ишларини ўтказиш ва ҳужжатларини тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

С. АРАБОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 30 октябрь,
21-сон

Ўзбекистон Республикаси
Ер ресурслари, геодезия, картография
ва давлат кадастри давлат қўмитасининг
2013 йил 30 октябрдаги 21-сонли қарорига
ИЛОВА

Тупроқ бонитировкаси ишларини ўтказиш ва ҳужжатларини тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 82-модда), Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 9-сон, 165-модда) мувофиқ, тупроқ бонитировкаси ишларини ўтказиш ва ҳужжатларини тасдиқлаш тартибини белгилайди.

І боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

тупроқ бонитировкаси — кишлоқ хўжалиги экинлари агротехникаси ўртача даражада бўлганидаги тупроқ сифати ҳамда табиий унумдорлик қувватига бериладиган қиёсий баҳо;

тупроқ бонитировкаси ишлари буюртмачиси — Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси (бундан буён матнда «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси деб юритилади);

тупроқ бонитировкаси ишлари бажарувчиси — «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг Тупроқшунослик ва агрокимё давлат илмий-тадқиқот институти ва унинг тасарруфидаги ташкилотлар.

2. Тупроқ бонитировкаси маълумотлари кишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларининг кейинги қиймат баҳосини чиқариш, мулкый пайларнинг миқдорини аниқлаш, ер тузишни амалга ошириш ва ерлардан оқилона ва самарали фойдаланишни рағбатлантириш учун асос бўлади.

3. Тупроқ бонитировкаси тегишли кишлоқ хўжалиги майдонлари учун юз балли шкала бўйича ўтказилади.

4. Тупроқ бонитировкаси ишлари ҳуқуқий ҳолати тегишли ҳужжат (ваколатли органнинг қарори) асосида белгиланган ёки туманнинг ер кадастри дафтарида тегишли ёзув билан қайд этилган барча суғориладиган ва лалми кишлоқ хўжалиги ер майдонларида ўтказилади.

5. «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси тупроқ бонитировкаси ишларини мувофиқлаштиради ҳамда услубий раҳбарлик қилади.

II боб. Тупроқ бонитировкаси ишларини ташкил этиш

6. Тупроқ бонитировкаси ишлари «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг режасига мувофиқ, суғориладиган қишлоқ хўжалик ер майдонларида ҳар беш йилда ва лалми ер майдонларида ҳар ўн йилда бир марта ўтказилади ҳамда туман ҳудудини тўлиқ камраб олади.

7. Табиий талофатлар, техноген таъсирлар, тегишли ҳудудда тупроқ-мелиоратив ишларнинг бажарилиши натижасида, тупроқнинг унумдорлик даражаси ўзгарган тақдирда, айрим ер майдонларида тупроқ бонитировкаси ишлари фермер хўжаликлари ва ердан фойдаланувчи бошқа шахсларнинг мурожаатига ёки туман фермерлари кенгашининг қарорига мувофиқ қайта ўтказилиши мумкин.

8. Тупроқ бонитировкаси ишлари буюртмачиси:

тупроқ бонитировкаси ишларини ўтказиш режаларини тузиши;

тегишли вилоят ҳокимлигини тупроқ бонитировкаси ишларини ўтказиш режасидан хабардор қилиши;

тупроқ бонитировкаси ишларини бажариш бўйича тупроқ бонитировкаси ишлари бажарувчиси билан шартнома тузиши;

тупроқ бонитировкаси ишларини бажариш дастурини тасдиқлаш;

тупроқ бонитировкаси ишларини ўтказиш муддати ҳамда назорат қилиш тизимини белгилаши;

тупроқ бонитировкаси ишларини қабул қилиш, кўриб чиқиш ва унинг натижаларини ер кадастри ҳужжатларига киритиши, зарур бўлган ҳолларда «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг илмий техник кенгашида муҳокама этиши шарт.

9. Тупроқ бонитировкаси ишларини ташкил этиш ва ўтказишда туман ҳокимликлари:

тупроқ бонитировкаси ишларини ўтказиш бўйича тегишли фармойиш қабул қилади;

тупроқ бонитировкаси ишларини ўтказиш учун зарур бўлган материалларни тупроқ бонитировкаси ишлари бажарувчисига тақдим этади;

яқуний маълумотларни тасдиқлайди.

10. Тупроқ бонитировкаси ишлари яқуний маълумотларини кўриб чиқиш бўйича ҳар бир туманда комиссия тузилади. Мазкур комиссия таркибига туман ҳокимининг ўринбосари (раис), туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (раис ўринбосари), туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими, туман фермерлари кенгаши ва тупроқ бонитировкаси ишлари бажарувчисининг вакили киритилади.

11. Тупроқ бонитировкаси ишлари яқуний маълумотларини кўриб чиқиш бўйича комиссия:

тупроқ бонитировкаси ишлари бўйича яқуний маълумотларни кўриб чиқади, тупроқнинг балл бонитети илгаригига нисбатан пасайганлиги аниқланган тақдирда, тупроқнинг балл бонитети пасайганлиги сабабларини ўрганеди ва балл бонитетини сақлаш ва ошириш бўйича зарур чораларни кўради;

тупроқ бонитировкаси ишлари бўйича якуний маълумотларнинг кўриб чиқилганлиги тўғрисида далолатнома расмийлаштиради.

12. Тупроқ бонитировкаси ишлари бажарувчиси:

тупроқ бонитировкаси ишларини ўтказди;

ер майдонларининг ўртача бонитет баллари ва класслар бўйича гурух-лаштирилган маълумот тайёрлайди;

зарур бўлган ҳолларда, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг илмий техник кенгашида кўриб чиқиш учун тупроқ бонитировкаси ишлари ҳужжатларини тайёрлайди;

тупроқ бонитировкаси ишлари бўйича тайёрланган якуний маълумотларни тупроқ бонитировкаси ишлари буюртмачисига топширади.

III боб. Тупроқ бонитировкаси ишларини ўтказишга тайёргарлик кўриш

13. «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган техник топшириққа асосан, тупроқ бонитировкаси ишлари бажарувчиси тупроқ бонитировкаси ишларини ўтказиш учун тегишли шартнома тайёрлайди ва тасдиқлаш учун тупроқ бонитировкаси ишлари буюртмачисига тақдим этади.

14. Тупроқ бонитировкаси ишларини ўтказишга тайёргарлик кўриш тупроқ бонитировкаси ишлари бажарувчиси томонидан амалга оширилади.

Тупроқ бонитировкаси ишларини ўтказишга тайёргарлик кўриш қуйидагиларни ўз ичига олади:

тупроқ тадқиқотлари маълумотларини, ер кадастри ҳужжатлари ва карталарини йиғиш, ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш;

техник топшириққа асосан, тупроқ бонитировкаси ишларини бажариш дастурини ишлаб чиқиш;

ер майдонлари чегараларига ўша жойнинг ўзида аниқлик киритиш ва дала карталарига белгилаш;

ер майдонларида тупроқ бонитировкаси ишлари ўтказиладиган фермер хўжаликлари ва ердан фойдаланувчи бошқа шахсларнинг тасдиқланган рўйхатини туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлиmidан олиш.

IV боб. Тупроқ бонитировкаси ишларини ўтказиш

15. Тупроқ бонитировкаси ишларида тупроқларнинг асосий хоссалари ва табиий шароитлари (тупроқларнинг генетик келиб чиқиши, механик таркиби, гумус миқдори, озуқа элементлари билан таъминланганлиги, шўрланиш даражаси, эрозияланганлиги, тошлоқлилиги, гипслилиги, термик ресурслар билан таъминланганлиги ва бошқа табиий омиллари) ҳисобга олинади.

16. Туман худудини тўлиқ камраб олган тупроқ бонитировкаси ишлари асосида техник ҳисобот, тумандаги суғориладиган ва лалми қишлоқ хўжалиги ер майдонларининг ўртача бонитет баллари ва класслари бўйича гурухлаштирилган жадвали мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ шаклда тузилади.

17. Тупроқ бонитировкаси ишлари бажарувчиси тупроқ бонитировкаси ишларининг аниқлиги, тўлиқлиги ва сифати учун масъул ҳисобланади.

V боб. Тупроқ бонитировкаси ишларини назорат қилиш

18. Тупроқ бонитировкаси ишлари «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси томонидан назорат қилинади.

19. Тупроқ бонитировкаси ишларини назорат қилишда ер майдонлари тўғрисидаги маълумотлар, тупроқ бонитировкаси ва тупроқ карталарини тузиш ишлари ўрганилади.

20. Тупроқ бонитировкаси ишларини назорат қилиш натижалари далолатнома билан расмийлаштирилади.

VI боб. Тупроқ бонитировкаси ишларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш

21. Тупроқ бонитировкаси ишлари бўйича якуний маълумотлар тупроқ бонитировкаси ишлари буюртмачиси ёки унинг вакилига (вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси) топширилади. Тупроқ бонитировкаси ишлари бўйича якуний маълумотлар тупроқ бонитировкаси ишлари буюртмачиси ёки унинг вакили томонидан кўриб чиқиш учун туман комиссиясига тақдим этилади.

22. Тупроқ бонитировкаси ишлари бўйича якуний маълумотлар икки ҳафта ичида туман комиссияси томонидан кўриб чиқилади. Туман комиссияси томонидан тупроқ бонитировкаси ишлари бўйича якуний маълумотларни кўриб чиқиш вақтида эътирозлар юзага келган тақдирда, эътирозлар сабабларини ёзма равишда кўрсатган ҳолда тупроқ бонитировкаси ишлари бажарувчисига мурожаат қилинади. Туман комиссияси томонидан икки ҳафта ичида эътирозлар билдирилмаган тақдирда, тупроқ бонитировкаси ишлари қабул қилинган ҳисобланади.

23. Тупроқ бонитировкаси ишлари бўйича кўриб чиқилган якуний маълумотлар туман ҳокимининг қарори билан тасдиқланади. Мазкур қарорга ер майдонларининг ўртача бонитет баллари ва класслари бўйича гуруҳлаштирилган маълумотлари илова қилинади.

24. Тупроқ бонитировкаси ишлари бўйича якуний маълумотларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш вақтида эътирозлар юзага келган тақдирда, мазкур маълумотлар тупроқ бонитировкаси ишлари бажарувчиси ёки буюртмачиси ташаббуси билан муҳокама қилиш учун «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг илмий техник кенгашига тақдим этилиши мумкин.

25. Табиий талофатлар, техноген таъсирлар, ҳудудда тупроқ-мелиоратив ишлар бажарилиши натижасида, тупроқнинг унумдорлик даражаси ўзгарганда, шунингдек фермер хўжаликлари ва ердан фойдаланувчи бошқа шахсларнинг мурожаатига асосан ёки туман фермерлари кенгашининг қарори бўйича айрим ер майдонларида тупроқ бонитировкаси ишлари қайта ўтқа-

зилганда, тупроқ бонитировкаси ишлари бўйича якуний маълумотлар белгиланган тартибда туман ҳокимининг қарори билан тасдиқланади.

VII боб. Хужжатларни расмийлаштириш

26. Тупроқ бонитировкаси ишлари тугагандан сўнг, тупроқ бонитировкаси ишлари бажарувчиси томонидан ҳар бир туман бўйича қуйидаги хужжатлардан иборат йиғмажилд шакллантирилади:

тушунтириш хати (техник ҳисобот) ва унинг иловалари;

туман ҳокимининг тупроқ бонитировкаси ишларини ўтказиш тўғрисидаги фармойиши;

туман комиссиясининг тупроқ бонитировкаси ишлари бўйича якуний маълумотларни кўриб чиқилганлиги тўғрисидаги далолатномаси;

туман ҳокимининг тупроқ бонитировкаси ишлари натижаларини тасдиқлаш тўғрисида қарори.

27. Расмийлаштирилган хужжатлар техник топшириққа мувофиқ манфаатдор ташкилотларга тарқатилади.

VIII боб. Тупроқ бонитировкаси ишлари маълумотларини тақдим этиш

28. Тупроқ бонитировкаси ишлари тўғрисидаги маълумотлар тупроқ бонитировкаси ишлари бажарувчиси томонидан тупроқ бонитировкаси ишлари буюртмачиси ёки унинг вакилига тақдим этилади.

29. Тупроқ бонитировкаси ишлари бўйича маълумотлар «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқарма (бўлим)лари томонидан манфаатдор вазирлик ва идораларга ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига уларнинг ёзма сўровлари асосида берилади.

IX боб. Якуний қонда

30. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Фермерлари кенгаши билан келишилган.

*Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг
биринчи ўринбосари*

Ш. ТЕШАЕВ

2013 йил 30 октябрь

*Ўзбекистон Фермерлари
кенгаши раиси*

С. ТУРДИЕВ

2013 йил 30 октябрь

Тупроқ бонитировкаси ишларини ўтказиш
ва ҳужжатларини тасдиқлаш тартиби
тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

(намуна)

_____ (вилоят (республика)нинг номи)

_____ (тумanning номи)

Суғориладиган ва лалми қишлоқ хўжалиги ер майдонларининг ўртача бонитет баллари ва класслари бўйича гуруҳлаштирилган ЖАДВАЛИ

Т/р	Ердан Фойдаланувчининг номи	Ўртача бонитет балли	Ер майдони (га ҳисобида)	Кадастр гуруҳлари									
				ёмон ерлар		ўртачадан паст ерлар		ўртача ерлар		яхши ерлар		энг яхши ерлар	
				шу жумладан, класслар бўйича									
				I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X
				бонитет баллари									
1 — 10	11 — 20	21 — 30	31 — 40	41 — 50	51 — 60	61 — 70	71 — 80	81 — 90	91 — 100				
1.													
2.													
3.													
4.													
5.													
6.													
7.													
8.													
9.													
	Жами:												